

2013 йил 01 ноябрдаги 121/958-сон меҳнат шартномасига 14-сон

ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ

Тошкент шаҳри

2020 йил 24 март

Кейинги ўринларда “Иш берувчи” деб номланадиган «NNN» АЖ, Устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Игорь Викторович Бахрамов** тимсолида, бир тарафдан ва “Ходим” деб номланадиган **Анвар Акрамович Раҳимов** бошқа тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб номланувчилик, Ходимни вақтинча масофадан ишлаш режимига ўтказилиши муносабати билан кейинги ўринларда “Меҳнат шартномаси” деб номланадиган 2013 йил 01 ноябрдаги 121/958-сон меҳнат шартномасига қўйидаги ўзгартиришларни киритишга келишиб олдилар:

1. Меҳнат шартномасининг 1.2-банди қўйидагича баён этилсин: “Ходим иш берувчи жойлашган жойдан ташқарида ишни масофадан бажаради. Ходимнинг иш жойи – унинг рўйхатдан ўтказилган манзили бўйича: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 95-уй, 195-хонадон”.
2. Меҳнат шартномасининг 1.3-банди қўйидагича баён этилсин: “Вақтинча масофадан ишлаш жойида Ходимга дам олиш ва овқатланиш учун 12.00 дан 13.00 гача танаффус билан 8.00 дан 17.00 гача иш режими ўрнатилади. Иш вақтида Ходим электрон почта ва телефон орқали доим Иш берувчи билан алоқада бўлади”.
3. Меҳнат шартномасига қўйидаги мазмундаги 4.1, 5.3 ва 6.2-бандлар киритилсин:
“4.1. Хужжатлар билан алмашиш электрон почта воситасида амалга оширилади”.

“5.3. Ходим иш учун зарур ускуналар: компьютер, телефон алоқаси, интернетга кириш имконияти билан ўзини мустақил равишда таъминлайди”.

“6.2. Иш берувчи вақтинча масофадан ишлаш даврида Ходимнинг доимий иш жойига масофадан кириш имкониятини ташкил этиш мажбуриятини олади”¹.

4. Меҳнат шартномасининг қолган барча шартлари ўзгартирилмаган ва Тарафлар томонидан бажарилиши мажбурий деб ҳисоблансин.
5. Мазкур Қўшимча келишув 24 март 2020 йилдан 30 апрель 2020 йилгача бўлган даврда амал қиласи. 2020 йил 01 майдан бошлаб, Меҳнат шартномаси илгариги таҳрирда амал қилишни давом эттиради.
6. Мазкур Қўшимча келишув ҳар бир Тараф учун бир нусхадан бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.
7. Тарафлар реквизитлари:

Иш берувчи

«NNN» АЖ

...

Директор

(имзо) / И.В. Бахрамов

Ходим

Рахимов Анвар Акромович

...

(имзо) / А.А. Рахимов

¹ Ушбу шарт опционал тарзда киритилади. Маълумотлар базасига кириш бошқача тарзда ташкил этилиши мүмкин.